



Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда

- 1948 йилда мамлакатдан чекдори бозорлиги, фуқаролиги текор қилинган Руминия подшоҳси Михай ярым ардан сунг тангадан қайтиб келишга муяссар бўлди. Бухарестда катта тананардан билан қутиб олинган собиқ подшога яна Руминия фуқароси паспорти топирилди.
- Покистоннинг Пенжоб вилоятида рўй берган темирйўл алоқати оқибатида дастлабки маълумотларга қараганда 119 инши ҳалок бўлди.

Бозор иқтисодиётига ўттиш даврининг ҳозирги мураккаб босқичида ҳам иқтисодий ёшларимиз кун билан илмий изланишларни давом эттирмакда. Тошкент давлат университети физика факультети аспиранти Икром Турсунов улардан биридир:

— Икромжон, илмий ишнингизнинг мавзуси ҳақда гапирсангиз.

— Ҳозирда «Комперсирланган кремнийга босим таъсирини таъдқиқ қилиш» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқдам. Бунда ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар асосида тузилган асбобларни ҳажимий ва бир ўқлама босим остида электр хоссаларини ўрганамиз. Кремний ярим ўтказгичга никель ва олтин легиранган материалларга ташқи статик ва динамий босим таъсирини ўрганиш ва уларда рўй берадиган физик жараёнларни очиқ бериш асосий ишимдир. Бу

Иқтисод ЁШ ОЛИМЛАРГА МАДАД

ишдан асосий мақсад ташқи таъсирга ўта сезгир датчиклар яратиш.

— Германияда амалий машғулот ўтказган экансиз...

— Ҳа, шундай, машғулотлар Германиянинг 11 та шаҳрида ўтди. Немис талабалари кўпроқ мустақил фикрлаш ва ҳар бир вақтни мазмунли ўтказишга ҳаракат қилишди. Физика факультетида таҳриба ўтказиш асбоблари автоматлаштирилган. Бундан ташқари уларда талабаларга қабул қилиш қизиқ экан: олти ой мобайнида хоҳлаган абитуриент ўқиш мумкин. Кейин имтиҳон бўлади, ўтганлар ўқишни давом эттиради ва стипендия олади. Ўқиш даврида улар Европа давлатларида таҳсил олиб қайтиши мумкин. Шунингдек, Москвада ўтказилган «Ломоносов — 96» аспирант ва талабалар анжуманида қатнашдим ва «Олтин билан компенсирланган кремнийдаги тензорэффе́кт ходисасини таъдқиқ қилиш» мавзусида маъруза ўқидим.

— «Камолот» ёшлар жағнамаси қошида Ёш олимлар ва иқтисодий талабалар кенгашининг раиси экансиз. Айтинг-чи, бу кенгашнинг вазифалари нималардан иборат?

— Тошкент давлат университети Ёш олимлар ва иқтисодий талабалар кенгашини тузишдан мақсад университетидаги ёш иқтисодий олимлар ва талабаларни излаб топил, бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижод қилишлари учун кенг имконият яратиш, ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш. Ёш олимлар энг янги ишларини олий аттестация комиссиясига мукофотларга тақдим этиш, иқтисодий ёш олимлар ва талабаларни чет элларга ўқишга, малака оширишга ва мутахассисликка тегишли бўлган ташиқлотлар билан ҳамкорлик қилишга хизмат сафарига бориб ишлашга қўмаклашиш ҳам вазифамизга киради. Шунингдек, уларнинг ижодий фаоллигини, ақлий салоҳиятини ривожлантириш, касбий ва маданий савиясининг ўсишига қўмаклашиш, иқтисодий талабаларни илмий гуруҳ ишларига кенгрок жалб қилиш, истеъдодли ёшларни излаш ва уларни илмий-техник фаолиятига жалб қилишга доир ишларни олиб боришни ҳам режалаштирганмиз.

Сўбатдош Хонбоби МАХАМОВА,
Тошкент давлат университети талабаси.

Собир Раҳимов тумани Себзор маҳалласидаги 146-ўрта мактаб биносида бўлиб ўтган давра суҳбатиде «Жиноятчиликнинг олдини олишда маҳалла фаолларининг ўрни» мавзусида сўз борди. Унда ушбу тумандаги Себзор, Янги Себзор, Қарамон, Тахтапұл, Қизил-Кўприк, Ҳасанбой, Ховузбўйи, Намуна ва Пахта маҳаллаларининг фаоллари, фуқаролари билан юзма-юз мулоқот-

да шаҳар прокурори ўринбосари Нарзулла Файзуллаев, Собир

ХУҚУҚ

АҲОЛИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Раҳимов тумани прокуратураси ва туман суди, ички ишлар бошқармаси мутасаддилари, туман

ҳокимлиги вакиллари иштирок этишди. Долзарб мавзудаги давра суҳбатиде вояга етмаган болалар тарбияси, жиноятчиликнинг олдини олиш каби масалалар муҳокама қилиниб, ўринли тақлифлар билдирилди. Хуқуқ-тартибот соҳаси мутасаддилари фуқаролардан тушган бир қатор саволларга жавоб қайтаришди.

Муқаддас ХОЛИҚОВА.

Алоқа

ТЕЛЕФОН ВА КОМПЬЮТЕР

Ҳамза тумани ҳудудида жойлашган Янгиобод телефон алоқа тармоғининг 400 кишилик жамоаси хизмат жараёнини компьютер билан боғлашга улгурди. Ҳозирги вақтда хориждан келтирилган «Ай-Би-Эм» компьютери орқали ҳисоб-китоб ишлари беҳато, бир сонияда амалга ошириляпти. Абонент телефон рақамини операторга айтса бас, экранда унинг исми-фамилиясию, яшаш манзили ва қанча миқдорда қарзи бор-йўқлиги кайд этилади. Бунга на соатлаб вақт ва на ортиқча елиб-югуриш кетади. Кишиларнинг хизмат тури учун тармоқ қошидаги кассаларга ҳақ тўлашлари жорий қилинган. Илгаригидек касса ёки банкларга югуриб, вақтини кетказмайди.

— Алоқа тармоғига қарашли 65 мингта нуктанинг бир меъёрида ишлаши, албатта мураккаб ҳол, — дейди тармоқ бош муҳандиси Қўчқор Нарзаев. — Бундан 15—20 йил муқаддам ўрнатилган кабеллар эскирган, қандайдир тасдиқий ҳодисалар рўй берганда, телефон нукталари тармоқдан ўзилиб қолиши мумкин. Биз шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси кўрсатмасига асосан «ҳалқа» йўналиши бўйича маълум масофадаги линияларга оптик толали кабеллар ётқиришга муваффақ бўлдик. Бу абонентнинг бир нуктадан иккинчи бир рақамли теле-

фон номерини бемалол ва қисқа лаҳзада тегишини оsonлаштиради.

Тармоқ қошида шаҳарлараро сўзлашув учун ҳақ ўндириш хизматини йўлга қўйишган. Абонент томонидан қанча чиқим қилинган, компьютер орқали ҳисоб-китоб қилинган, алоқа касса ундан хизмат ҳақини ўндирди.

Телефоннинг борлиги яхши. У бизга уйда, ишхонада, кўча-қўйда беминнат воситачи. Унинг ёрдамида муҳим гаплар бир лаҳзадаёқ етказилади. Рақамлардан иборат дастурнинг хизматидан барча-барчамиз миннатдоримиз. Ана шу мақсад негизда Янгиобод телефон алоқа тармоғи раҳбарияти нукталар сонини кўпайтириш режасини ишлаб чиққан. Ҳозирги вақтда тармоқда 9 рақами билан бошланувчи 8 та станция уюшган бўлса, яқин йиллар ичида уларнинг сони яна 2 тага кўпайиб, бу ер миллионлик зонага айлантирилади. Шу йилнинг охирига қадар 91-АТС ишга тушиб, бундан 3 минг нуктали телефоннинг алоқа тармоғига уланishi кўзда тутиляпти. Шунингдек, Бектемир туманида ҳам 95 рақамли станциянинг қурилиши бошлаб юборилган. Агар бу станция ишга тушадиган бўлса, 4 минг номасофадаги линияларга оптик толали кабеллар ётқиришга муваффақ бўлди. Бу абонентнинг бир нуктадан иккинчи бир рақамли теле-

Хулқар ТҲИМАНОВА.

Тошкент шаҳрида Наврўз байрамига бағишлаб ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ойлиги ўтати. Унда фаол иштирок этиш барча ҳамшаҳарларимизнинг бурчидир.

Шу кеча-кундузда атроф-муҳитнинг муҳофазаси ҳар қачонгидан ҳам муҳимлиги, шу сабабдан ҳам илмий экология асослари, ўрта мактабларда, олий ўқув юрларида ўқитилаётганлиги бежиз эмас. Табиат муҳофазаси муаммолари чини билан инсониятнинг яшаш муаммолари бўлиб қолди.

Инсон ҳаво билан тирик. Ҳавони эса шаҳримиздаги бири-бирдан кўркам турли-туман дарактлар етказиб беради. Улар айна пайтда беминнат тозаловчи ҳамдир. Лекин ҳамма ана шундай деб ўйлаётгани йўқ. Бир гал қурилиш трестлари берухсат дарактларни кесиб ташласа, бошқа сафар шахсий фирмалар битумни очик ҳавода эритиб, салкам бутун шаҳарни қора тутунга буркайдилар. Битумдан тар-

калган қурум ҳеч қандай моддага қўшилмайди, чўкма ҳосил қилмайди, заҳарли бир моддага айланади, аста-секин тирик жонни емира бошлайди.

Даракт экиш — савоб иш. Бир туп даракт эккан одамнинг номи неча йиллар раҳ-

Кўкаламзорлаштириш

ЯШИЛ ДЎСТЛАРИМИЗ

матта сазовор бўлади. Лекин ҳоҳ арча бўлсин, ҳоҳ қарағай бўлсин, ҳоҳ тол-терак бўлсин ерга сўкиб қўйилгани билан кўкариб кетмайди. Унга парвариш зарур. Мехр-муҳаббат зарур.

Дарактларга — ҳатто минглаб туп эканимизда ҳам — зарур парвариш бўлмас экан, уларни режали равишда кесмас эканмиз, барибир мақсадга етолмаймиз. Кўп ҳолларда дарактларни бутаганда ҳам нўноқларча ҳаракат қилиб, унинг жон томирига озор етказамиз. Демак, бу борада


ҳам бутаиш ишларини мутахассислар олиб боргани маъқул.

Дарактларга турли кўрсаткич тахталарни «михлаш» одат тусига кириб қолган. Махсус мосламалар ясаи имкони бўла туриб, харажатдан қочиб шундай қилишади. Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур, Миробод, Юнусобод туманларида бундай ҳолларга жуда кўп дуч келдик. Неча марта 300 сўмлаб жарималар солинди. Виждон тилга кирмаса, барибир бўлмас экан-да!..

Ҳамиша «Келгуси авлодимизга мусаффо ҳаво, покиза ер, тоза сув, ажойиб ватан мерос бўлиб қолсин» деб ният қиламиз. Шунга даъват этамиз. Бу ўздан-ўзи бўлиб қоладиган юмуш эмас. Бунда ҳар биримиз фидокор бўлишимиз керак. Шундагина мақсадга эришамиз. Яшил дўстларимиз — табиат фарзандлари ҳамиша бизнинг хизматимизда бўлади.

Ким ФАТТОХОВ,

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозир.



Шаҳримизда бири-биридан кўркам бинолар кун сайин кўпайиб бормоқда. Сиз суратда кўриб турган бу миллий банк биноси яқинда Себзор даҳасида қад кўтарди.

Баҳаёлга олиш нима? Бизнингча бунинг кўпчилиги ёшларимиз эшитмаган бўлса керак.

Аслида эса бу сўз замирида ота-боболаримизнинг савдо-сотик соҳасидаги теран ақл-заковати, бой тажрибаси яширинганлигини эндиликда чуқурроқ англаймиз. Шарқу Фарбни боғлаган «Буюк Ипак йўли»даги мамлакатларда уйдабуронлик, йимону инсоф билан савдо қилиш, рақобатга бардош бериш, тижорат аҳлида юксак даражадаги касб малакаси

Пўт

«БАХАЁЛГА ОЛДИМ»

ҳамда савдо маданияти шаклланиб, эл-юрт равақи, халқларнинг тинчлиги, дўстлиги, тараққиёти учун хизмат қилганлигини теранроқ ҳис қилаёганмиз. Шу муносабат билан бундан деярли ўн беш йил аввал бўлиб ўтган бир ҳаётий воқеа хотирамга муҳрланиб қолган. Бешиқ харид қилиш учун адам раҳматли, аямлар ва мен Чорсу бозорига бордик. Аямлар бешиқларга диққат билан қараб, пишқи ишланган бир бешиққа разм солдилар ва уни сотиб олишга «чоланган ҳолда нархини ҳам билдилар.

Шу пайт адамларнинг нигоҳлари чеккада турган бир бешиққа тушди. Уни қизиқиб кўздан кечирдилар.

Бешиқ шубҳасиз, нафис, чироили ва пишқи ишланган бўлиб, халқ амалий санъатининг ажойиб намунаси эди. Бешиқсиз йигит ўз махсулотининг бозори қаққонлигига ишонганлигидан бир чеккада хотирчан ўтирар эди.

Бешиқда ётиб атрофни жавдираб кузатадиган мурғак гўдак асло зерикмаслиги, асабийлашмаслиги, аксинча гўзаллигини ҳис этиши, ундан баҳраманд бўлиши лозимлигини чуқур англаган ада-

миз қўли гул уста томонидан сайқал топиб, ажойиб ранглар билан жиловланган, халқчали ўйинчоқлари бўлган бешиқни сотиб олишга аҳд қилганликларини аямга маълум қилдилар.

Аямлар ҳам бешиқни кўргач, «Кимматроқ бўлса, лекин пулимиз ўзимиз билан кетадиган асл экан», деб ўзларига ҳам ёққанини айтдилар.

Бирок, бироз мушкул вазият туғилиб, аямлар аввало бешиқсиз устага нима жавоб берар эканлар деб ўйланиб қолдим.

Табиийки, бундай ҳолатда бошқа аёллар эркак кишининг лафзи қайтмасин дея, ўзини айбдордек сезиб, камситса ҳам умр йўлдошининг шағнига доғ туширмайдилар. Шу билан бирга устани ҳам, ўзларини ҳам хижолатли ҳолатда қолдирмайдилар.

Аямлар эса ҳеч ким йўлмаган табирни қўлаб, «Укам, бешиқни баҳаёлга олган эдим», дедилар.

Шунда бешиқсиз устанинг ўйчан ҳеҳраси ёришиб кетиб, майин табассум билан: «Опажон, ундай бўлса ҳеч хижолат бўлманг, очигини айтсам, баҳаёлга олишни билган, сотувчининг молини қадрлаб, ўзини ҳам, ўзганин ҳам дилини оғритмайдиган табдирли, оқила аёл экансиз», дея миннатдорчилик билдирди.

Бу қизиқ ҳолатни кузатиб турган бир киши бешиқсознинг жавобидан меҳри ошиб, бешиқни маъқул топгач, уни харид қилди.

Ўйлаб қилинган нозик, кўҳна табдир ва икки оғиз ширин муомала билан ноқулай вазият барҳам топиб, унинг ўрнини ишонч, ҳурмат туйғуси эгаллади. Мен дарров қизиқиб аямдан «Баҳаёл нима?» дедим. «Баҳаёлга олиш учун харидор билан сотувчи инсоф адолатга суяниши, ҳақда бўлиб, киши харид қилган махсулотидан бироз кўнгли тўлмаса ёки шунга ўхшаш ноқулай аҳволга тушиб қолса, «хаёл қилиб олган эдим», дейиши билан оғир вазиятдан чиқиб кетганлигини, баҳаёлга олиш — қўҳна тижорат илмининг нуқтиилиб кетаётган сирларидан эканлигини, «Инсоф сари барака» деб халқимиз бежиз айтмаслигини алоҳида таъкидладилар.

Улуғбек ПҲЛАТОВ.

ЎЗАРО ҚАРЗЛАР

улар корхонани орқага тортмоқда

Саноат

Бирок бу ҳиссодорлик жамиятини ўзаро қарзлар — ҳисоб-чиқар тили билан айтганда дебитор ва кредитор қарзлар ботқоғига ботиряпти. Бир ўйлаб кўринг-а, корхона нақадар қийинчилик ва танқисликларга қарамай базур махсулот ишлаб чиқарсаю уни харид қилган истеъмолчилар эса ойлаб, ҳатто йиллаб корхонага қарзларини тўлашмаса? Бундай шароитда айланма маблағ ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантириш у ёқда турсин, жамоа аъзоларига маош тўлаш ҳам кескин муаммага айланиш турган гап.

Келинг, мисолларга муро-

бор беринг. «Тошкент трактор заводи»дан сув ва қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли жамоа ва фермер хўжалиқларининг қарзи 500 миллион сўмга етибди. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси эса 300 миллион сўмлик қарзини бир неча йилдирки узоқмай келди. Умуман ҳозиргача «Тошкент трактор заводи» ҳисобида 1 миллиард 400 миллион сўмлик дебитор қарзлар бор. Қоғозда бору ҳисобда йўқ бу пуллар ҳиссадорлик жамиятини ўта ночор аҳволга солиб қўйган. Цехлар ёпилиб қолганлиги, тракторсозлар мажбурий меҳнат таътили-

га чиқариб юборилаётганлигининг асл сабаблари ҳам шу. Янада ташвишланарлиси меҳнат қилиб ўз вақтида ҳақини ўлолмаган юқори малакали ишчилар корхонани тарк этишга мажбур бўлишгаётганларидир. Буюртмачилар ҳисоб-китобини ўз вақтида қилиб турганларида бу маблағга ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қанча қўшимча махсулот ишлаб чиқариш мумкин эди. Ҳозир корхона асосан кенг истеъмол буюмлари ишлаб чи-

қилиш

1997 йил 11 февраль кунини эрталаб соат 10 ларда «Марказий универмаг» бекатида 3004-рақамли 13-трамвайга ўтирдим. Вагонда йўловчилар кўпчилиги ва уларнинг ўз манзилларига шошиляётганликларига қарамай, трамвай тошбақа юриш қилиб ҳар бекатда бемалол тўхтаб, аста жиларди. Бунинг устига ҳайдовчи ўтирган хонадан юқори пардаларда мусиқа янграб, аччиқ тамаки тутуни бурқиб вагон ичига тарқаларди. Трамвай «Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхонаси» бекатига келганда тик қилинган одамлар орасида чипта тарқатиб юрган ҳодима ҳайдовчига яқинлашиб сомса ейишни тақлиф қилди. Ҳайдовчи бунга жавобан кейинги бекатда тановул қилишини айтиди. Шундай қилиб денг кейинги «Шашти бекати»да чипта тарқа-

тувчи вагондан тушиб, қорғозга ўралган сомсалар кўтариб чикди, сўнг икковлари уни яхши иштаҳа билан йўл-йўлакай тановул қила бошлашди. Йўловчиларнинг

Пўқма

КўПАНКАСИ МАЙДОНМИ?

асабий ҳолатдаги «Трамвай сал тезроқ юрса бўлмайdim?» деган эътирозлари эшитила бошлади. Бирок, бунга заррача парво қилмаган транспорт ҳодимлари ҳеч шошилмай, ўз билганларидан қолишмасди. Бунинг устига метронинг «Максим Горький» бекатида кўплаб йўловчилар трамвай келишини сабъсизлиқ билан

пойлашарди.

Ниҳоят, соат 10 дан 45 дақиқа ўтганда бекатда трамвайдан тушиш учун вагоннинг олдинги эшиги томон аста силжидим. Қарасам, ҳайдовчи аёл мусиқа садолари остида ҳузур билан папирос тутатиб, тиззасига қизиқ ўйланма босилган газетани ёйиб, йўл-йўлакай унинг саволларига тоған жаъобларини қалам билан ёзар, ора-чора ҳар эҳтимолга қарши чириллатиб кўнғироқ чалиб ҳам кўярди...

Мен аҳолига бундай усулда транспорт ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш, унга маданий хизматни яхшилаш мақсадида «тажриба»дан ўтказаятган «Ўзи хон, қўланкаси майдон» бўлган ҳайдовчининг бу «илгор» усулидан ниҳоятда ажабланиб юрибман.

Искандар РАҲМОНОВ.



Шаҳримиз дўконларидаги пештахталарга эътибор қилдингизми. У ерларда ихчам қадокланган, мазаси тотли, турли хил рангдаги қорғоз қўтиларга жойлаштирилган сифатли шاربатларга қўзингизни тушади. Мандаринли, қулупнагли, апельсинли шاربатлар, шоколад аралашган шўрбичим қўтичалардаги серқаймоқ сутлардан жуда кўпчилик мамнун бўлмоқда. Дайниқса уларнинг узоқ муддат сақланишига қафолатланганлиги алоҳида аҳамият касб этаётди. Мана шу айтиб ўтилган тотли қадокланган махсулотлар «Тошкентсу» ҳиссодорлик жамиятида ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерга ўрна-тилган чет элнинг қадоклаш дастгоҳи ишончимизни оқламоқда.

СУРАТДА: қадоклаш линиясида иш конвейер усулида олиб бориляётган пайти.

Рашид Галиев олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VII сессиясида қабул қилинган «Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунларнинг лойиҳалари матбуотда эълон қилиниб, умумхалқ муҳокамага ҳавола этилди. Ушбу қонунлар журналист учун қандай уфқлар яратди? Шундай қонунлар бошқа мамлакатларда борми? Бор бўлса ушбу муҳим ҳужжатларнинг улардан фарқли томонлари қандай? Шундай саволлар билан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг матбуот ва ахборот қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовга мурожаат қилди.

— Матбуотда, оммавий ахборот воситаларида иккала қонун лойиҳаси эълон қилингандан кейин, улар кенг халқ оммасида катта қизиқиш уйғотди. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонун фақат журналистларга тегишли десам тўғри бўлмайди. Буни кенгроқ тушу-

Матбуот

«Тўртинчи ҳокимият»ни шакллантиради

ниш керак. Лойиҳада таъкидланишича, хоҳлаган киши хоҳлаган ташкилотдан ахборот олишга ҳақли. Албатта, қонун йўли билан бериш таққилаб қўйилган ахборотлардан бундан мустасно. Айтайлик, сиз бирон қариндошингиз ҳақида тегишли ташкилотдан ахборот олсангиз. Бу оддий кўринса ҳам аслида жуда жиддий. Соёиқ СССР даврида ҳамма нарсаси сир сақланган. Масалан, Ўзбекистондан қанча пахта, олтин, газ олиб кетилган ва ҳоказо. Чунки барча нарсани халқдан яшириш марказ учун қулай бўлган. Муҳокамага қўйилган қонунлар лойиҳаси демократик тамойиллар янада чуқурлашишини таъминлашга ҳисса қўшади. Айни пайтда қонунлар лойиҳаларида ахборот олиш ва уни эълон қилиш масаласида маълум қонун-қоидалар белгилаб қўйилган. Ахборот олиш учун бирон ташкилотга мурожаат этсангиз, сизга неча кун мобайнида зарур маълумотларни бериши, ўзида йўқ бўлса қайси тегишли идорага мурожаат қилиш зарурлигини айтиши таъкидланади. Олинган маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Айрим ҳолларда нотўғри ахборот эълон қилиниб қолиниши ҳам мумкин. Бунинг олдини олиш учун оммавий ахборот воситаси маълумот объектив бўлишига қафолат бериши шарт. Демак унинг тўғри ёки нотўғрилигини текшириш зарур.

Ҳар иккала қонун дунё мамлакатлари амалиётида учрамайди. Тўғри, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодексининг оммавий ахборот воситалари ҳақидаги моддаларида бу ҳужжатларнинг айрим жиҳатлари ўз ифодасини топади. Лекин худди шу соҳаларга қаратилган алоҳида қонунлар йўқ. Бу масалада Ўзбекистон ташаббускор бўлаётгани кувончли ҳолдир.

«Журналистларнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам мамлакатимиз демократик йўлдан бораётганлигини исботловчи муҳим ҳужжатдир. Унинг ҳар бир моддасида журналистга бериладиган кафолатлар ҳар томонлама ўз ифодасини топади. Жумладан бешинчи моддада журналистнинг ҳуқуқлари аниқ равшан ифода этилган. Яна бир модда эътиборга лойиқ: бу журналист текшируви ҳақида. Айтиш мумкин, бу оммавий ахборот воситалари ҳодимларига катта ҳуқуқ берадиган тўққизинчи моддасидир. Айни пайтда оммавий ахборот воситалари катта куч эканлигини ҳамма билади. Газета-журнал, телевидение, радиода нотўғри эълон қилинган бирон-бир хабар ёки макрала омма ўртасида ҳар хил фикрга олиб бориши мумкин. Шу тўғрйли ҳам қонун лойиҳасининг ўн олтинчи моддасида журналистнинг жавобгарлиги ҳақида сўз боради.

Хулоса қилиб айтганда, иккала ҳужжат лойиҳаси жамоатчилик ўртасида қизғин мунозара, муҳокамаларга сабаб бўляпти. Олий Мажлисга оддий фуқаролар — журналистлар, зейлилар, турли касб эгаларидан таклиф ва мулоҳазалар узлуksиз келяпти. Бу таклифларни Олий Мажлис қўмитасининг ишчи гуруҳи ўрганиб чиқади, иккала қонуннинг маромига етган вариантини тайёрлашда ҳисобга олинади.

Маъжур қонунларнинг қабул қилиниши «тўртинчи ҳокимият»ни шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ ёзиб олди.

Атрофда баҳор нафаси кеза бошлаши билан табиатда турли-туман ўзгаришлар кузатилади: дарахт шоҳлари гулларга бурканади, тупроқнинг майин ҳиди димоқча урилади. Шулар қаторида қиш бўйи инларига мудраб ётган турли ҳашаротлар ҳам юзага чиқиб қолади. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам биз учун фойдалими?

Ҳаётда жонзот борки, яшаш учун курашади, қушандасидан ўзини ҳимоя этади. Ҳатто митти ҳашаротлар ҳам яшаш ва ҳимояланиш йўлини ахтаришлар: ўз қушандасини кўрганда баъзилари рангини ўзгарилади, баъзилари қўланса ҳид таратади, баъзилари эса заҳарларини санчади. Заҳарли ҳашаротлардан арилар (сарик, ковок, қора, асалари ва бошқалар), чаёнлар (сарик, кўк, қора) пашшалар, каналар, бешик кўртлари, чивинлар одамни чақиб олганда ҳам турли микродар заҳар қолдириб, киши танасида турли ҳолатларни пайдо қилади.

Ҳашаротлар болаларни чаққанда танага тушган заҳар турлича таъсир кўрсатади: чақилган жой қизаради, оғрийд, бурун ва томоқ қичишади, нафас сиқилди, эшакмен тошади, бош айланади, тана бўшади, кўнгил айниди, қусад, юрак тез уради, томирларнинг уриши пасаяди, қоринда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Баъзан оёқ ва қўларнинг тортишиб қолиши, беихтиёр ич кетиши кузатилади. Катта ёшдаги кишилар ҳашаротлардан азият чекканда ҳам шу каби нохуш ҳолатлар сезилади.

Баъзи ота-оналар ари ва чаён чаққанда болаларини ўзларича

Саломатлик КЎКЛАМНИНГ ЗАҲАРЛИ «НИШОНЛАРИ»

даволамочки бўладилар: чақилган жойга лой қўйдилар, намакоб суртадилар, заҳар тушган жойни тилиб, кўкдори суртиб, боғлаб қўйдилар ва ҳоказо. Бу илҳиди ўй муолажалари ёрдам бермагач, икки-уч кун ўтгандан сўнг шифохонага олиб келадилар. Шаҳримиздаги 14-болалар поликлиникасига икки ёшли болани олиб келишди. Ўғдак хириллаб нафас олар, юзлари қизариб, шишиб кетган, танасига қизил доначалар тошган, оёқ-қўллари қўқариб, совиб қолган эди. Онанининг айтишича, бола қўлини сарик ари чақиб олган. Бир неча дақиқадан сўнг ҳушини йўқотган. Қўқиб кетган она қўли аёлдан маслаҳат сўради. Аёл ари чаққан жойни бир ўткир нарсаси билан тилиб, ариқ лойкаси билан боғлаб қўйди. Кечга бориб шиш катталашди, тана ҳарорати 40-41 даражага кўтарилди, қўл-оёқлари титраб, кўнгил айниди, қўлининг оғриғи кучаяди. Шифохонада боланинг қўли очиб

кўрилганда бош бармоқнинг тепа қисмида кесилган жароҳат, атрофи қизариб, қўқимтир тусга кирганидан воқиф бўлди. Бемор жароҳлик бўлимида 17 кун муолажадан сўнг тизалди.

Заҳарли ҳашаротлар чаққанда

пайдо бўлади. Сўнг бу тошмалар бир-бирига қўшилиб кетади. Улар аввалига қичишади, сўнг қўйгандек ачишади. Эшакмени болаларда оғирроқ кечади, боши оғрийд, тана ҳарорати кўтарилди, ҳолсизлик вужудга келади. Заҳарли ҳашаротлар қабоқни, лабларни, ёноқни, кўкрак соҳасини, тилни чаққанда «Квинке шишиши» ҳолисаси рўй беради. Ўн бир ёшли боланинг тилини қовоғари чақиб олганда тил 6-8 сантиметр ташқарига чиқиб кетган, нафаси оғирлашиб, бўйнининг олд қисмида тошмалар тошиб кетган. Уч кунлик муолажадан сўнг боланинг тили асл ҳолатига қайтди.

Ҳозирги пайтда ҳашаротлар турли заҳарли кимёвий моддалар билан тўйинтирилган экинлардан озикланиши натижасида, уларнинг заҳари инсон танасига тушса, турли асоратлар қолдиради. Шу боис заҳарли ҳашаротлардан эҳтиёт бўлиш, улар чаққанда тезда даволаш муассасаларига мурожаат қилиш лозим. Бундай ҳолларда ёрдам учун қаттиқ, сузма, тиш ювиш пастаси билан совуқ компресс қилиб, анальгин, баральгин, цитрамон ёрдамида оғриқни қаматириш, димедрол, супрастин, пипольфен, тавегил, қора қўмир карбонени ёрдамида заҳар таъсирини пасайтириш мумкин.

Бўйин, тил, лаб ва юздан чаққанда шифохонага бориш шарт.

Б. ҲАМИДОВ,

Тошкент тиббиёт-педиатрия институтини доценти.

Академик В. Филатов алоининг ажойиб яширин сирини кашф этди. У қирқиб олиб, сўлитилган алой тўқимаси ўзидан яраларнинг битишига ва бемор соғайишига ижобий таъсир қиладиган, бактерияларни ўлдириш қобилиятига эга бўлган модда ажратишини аниқлади. Алой маҳсулоти бўлмиш сабур ичак фаолиятининг заифланиши натижасида вужудга келган сурункали кабзиятни, кулагн, гастрит хасталиқларини даволашда ҳам қўлланилади. Овқат ҳазмини яхшиловчи, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак деворлари яраланганда, жигар ва ўт пуфга касалланганда, мадорсизликлар, диспепсияда яхши наф келтиради. Оғиз бўшлиғи, стоматит, бронхит, куйганда, йирингли яраларда, кўз касалликлариди, аъзои тананинг касаллиққа қарши курашиш қобилиятини оширишда маълаҳ бўлади.

Маълаҳлар

БИЗ БИЛГАН-БИЛМАГАН АЛОЙ

сабри ақлни ва дилни ўткирлаштиради. Кўз яраларига, оғриқларига, кўз ички бурчагининг ачишишига (қичишига) фойда қилади. Мевдани шиллиқли ва сафровий қичқиндилардан тазалайди...

Қадимги табиблар алойдан қон ҳаракатини тезлатиш, ошқозон-ичак йўллари касаллиқларини ва асаб фаолиятини яхшилашда фойдаланишни тавсия этганлар. Сурғи ва сафронни ҳайдашда, сил касаллигини даволашда қўлланганлар. Миср маликаси Клеопатра бу ўсимлиқни терига, сочларга ипақдек майинлик бахш этувчи сифатида ишлатган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида қийин битадиган яраларни даволашда алой ярадорларнинг жонига оро кирган. Шуниси диққатга сазоворки, бунда Ибн Сино усули қўлланган.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

Данагидан мағизни ширин.

Миртемир Қодиров олган сурат.

Автомобилга трактор двигатели ўрнатиш мумкинми? Бу саволга Тошкент автомобиль йўллари институти олимлари ва «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссдорлик жамиятининг мутахассислари «Ҳа, мумкин», деган жавобни бердилар. Улар ҳамкорликда олиб борган изланишлар натижасида шундай хулосага келдилар.

Тошкент автомобиль йўллари институти қошидаги «Автомобилларни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш технологияси» кафедраси

АВТОМОБИЛГА ТРАКТОР ДВИГАТЕЛИ

мудир, олимлари тажриба тарикасида эски, ишга яроқсиз «ГАЗ-53 А» русумли юк автомобили ажратиб олиб, унинг двигатели ўрнига «Белорус» тракторида ишлатилган «Д-243» дизель двигателини ўрнатди. Бунда автомобиль двигатели билан трактор дви-

гательнинг орасидаги фарқ, яъни ёқилгани истеъмол қилиш, тирсак валларнинг айланиш тезлиги, двигателлардаги қувватларнинг бирига тенг эмаслиги аниқ ҳисобга олинган эди. Хуллас бу тажриба «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссдорлик жамиятининг 31-

механика йиғув цехида амалга оширилди. Завод билан ҳамкорликда олиб борилган бу ишга бошқарув раиси И. Т. Каримов ва 31-механика-йиғув цехининг бошлиғи А. М. Раҳимовлар яқиндан ёрдам берниди. Натижа ижобий. «Д-243» двигатели билан жиҳозланган «ГАЗ-53 А» автомобили худди қайтадан дунёга келгандек, техник талабнинг ҳамма кўрсатмаларига бениҳсон жавоб бериб, режалаштирилган синовдан муваффақиятли ўтди.

Гулбаҳор МУМИНОВА.

Юнусобод туман фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш (ЗАГС) бўлими мудираси Ўктамхон Қодирова билан мулоқотимиз миллий кадрларимиз, оила ва никоҳ муносабатларини тартибга солиш, аиникса, ёш оилалар ўртасидаги ажралишларнинг сабаблари ҳусусида бўлди.

— Ўктамхон опа, авваламбор бўлимингиз фаолияти ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз...

— Бўлимингизда туғилиш ва вафотни қайд этиш, никоҳдан ўтказиш, никоҳни бекор қилиш, оталиқни белгилаш, фарзандликка олиш, насаби, исмини ўзгартириш, фуқароларнинг аризасига мувофиқ далолатнома ёзувларига тузатиш ва ўзгартиришлар кири-

Диплашув

«АДЛ ИЛА ОЛАМ ЮЗИН ОБОД ҚИЛ...»

тиш ишлари бажарилади.

Фуқаролар гувоҳномаларнинг юқорида қайд этилган турларидан бирортасини йўқотганларида аризаларига мувофиқ янгидан ҳужжат берилади. Бир кунда 100-120 га яқин мижозларга хизмат кўрсатамиз.

— Соҳага алоқадор бўлган амалдаги қонунларимиз ҳақида қандай фикрдасиз?

— Кўп қонун-қоидаларимиз тақомиллашиб, тўлдирилиб, жаҳон миқёси даражасидаги қонун-қоидаларга тенглашиб бормоқда. Албатта, буларнинг бари ҳуқуқий давлат барпо этишимизда муҳим аҳамиятга эга.

Мутахассислигим бўйича оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган қонун-қоидалар билан ишлаётганим учун кўпроқ шу масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Оила ва никоҳ муносабатлари жамиятимизнинг негизи ҳисобланади. Афсуски, уларни тартибга солиб турадиган қонунларимизга ҳам эътибор қаратилмоқда. Фикримизча, биз биринчи навбатда «Оила ва никоҳ» кодексини шарқона урф-одатларимиз, миллий анъаналаримиз асосида тўлдиришимиз зарур. Шу сабабдан ҳам судларда мулкий ва оилавий муносабатларга тегишли бўлган масалалар қўрилатган вақтда жиддий қийинчиликларга дуч келинмоқда. Суд томонидан эр-хотиннинг ажралиши ҳақидаги фуқаролик иши қўрилатган вақтда, кўпгина ҳолларда икки ёш бир-бирларига нисбатан ноғирин гаплар айтидиладар, ҳақоратлайдиладар. Бу ишларга уларнинг қариндош-уруғлари ҳам жалб этилгач, ўртадаги муносабат янада кескинлашиб кетади. Шундан сўнг уларга оилани сақлаб қолиш мақсадида берилган маълум муддатдан ҳам ижобий натижалар кутиш бефойда.

— «Оила ва никоҳ кодекси»га қандай қўшимчалар киритилиши зарур деб ҳисоблайсиз?

— «Оила ва никоҳ кодекси»га мувофиқ томонлар ўртасидаги никоҳни бекор қилиш учун давлат фойдасига ўнқидирилган суд ҳаражатлари 100 сўмдан 400 сўмгача белгиланган. Бу айримлар учун «хеч нарсаси» бўлмай қолди. Фикримча суд ҳаражатлари янада оширилганда, ҳеч бўлмаса, оддий ариза билан ҳам ажрашиб кетаётганлар биров ҳушёр тортишарди... Оилага хиёнат қилган аёлни ҳам, эркакни ҳам ҳеч бўлмаганда маънавий жавобгарликка тортиш керак, деб ўйлайман. Агар бизда жамоатчиликнинг, аиникса маҳалла аҳлининг фикри жуда катта аҳамиятга эга-ку.

Менимча никоҳсиз туғилган болаларнинг оналарини ҳам худди шундай маънавий жавобгарликка жалб этиш керак. Натижада «айбдор ота» ҳам топилади. Бу эса номусни, шарм-ҳаёни, бурчини унутган айрим қиз-йигитлар учун кескинроқ оғохлантирувчи қўнғироқ бўлади, деб ўйлайман.

— Мана салкам 24 йилдан бери шу соҳада ишларкансиз. Бунда жуда кўп қувончли ва қайғули қўларингиз гувоҳи бўлгансиз... Айтинг-чи, сизингизга ёшлар ўртасида авж олаётган ажралишларнинг асосий сабаби нимада?

— Бу оғриқли муаммоларимизнинг сабабларини қидирадиган бўлсак, унинг қирралари ҳам кўп... баҳонамиз ҳам... Оиладаги жанжал кўпроқ етишмовчиликлар турфайли юзага келади. Яъни эркак оила бошлиғи рўзғорни иқтисодий жиҳатдан тўла-тўқис таъминлаш имкониятига эга бўлолмай қолади. Бундан ташқари кўпгина ҳукмронликка ўрганган эркакларимиз рўзғор юқини тенг кўтариш учун эртдан-кечгача ишлаб келадиган аёлнинг уй юмушларига ёрдам беришни ўзларига эп қўришмайди. Баъзилар ҳаёвий ҳаётни деб норасида гўдакларнинг кўз ёшларини оқизганча ташлаб кетишади. Агар аёлнинг сабр-қаноатлилигига эркакнинг ўткир идроки ва уddaбуронлиги омухта бўлса, ажралишлар анча барҳам топади.

— Ўктамхон опа, мустақиллик шарофати билан биз унутлаётган миллий урф-одатларимизни танидик, ислом арқонларидан воқиф бўлдик...

— Ислам таълимотининг ҳуқуқшунослик фанига ҳам катта таъсири бўлган. «Оила ва никоҳ тўғрисида»ги қонунимизда Ислам шартлари билан маълум монандликлар бор, албатта. Улардаги ўхшашлик томонларидан бири, шарият бўйича эр-хотинликнинг тасдиқи сифатида никоҳ ўқитилса, қонунга мувофиқ ЗАГСдан ўтиш жорий қилинган. Ислам одатлари ўғрилқидан, нопоклиқдан ҳазар қилишга, барчани ҳалолликка, эр-хотинни вафодор ва садоқатли бўлишга даъват этган.

— Аёл сифатида қийиниш, пардоз ва тақинчоқларга муносабатингиз?

— Ҳар томонлама чиروي қийиниш, ула-эликларни ҳам ўрнида ишлатиб, меъёрига риоя қилган аёлларни ҳурматлайман.

— Сўнгги савол сифатида, муштарийларга аталган дил сўзларингизни эшитсак...

— Яқиндагина Ийд-Рамазон ҳайитини — улуғ айёмни нишонладик. Баҳор эса гуллар фасли, қизлар фасли. Аввал аёлларимизнинг айёмини, кейин эса — Наврўзнини нишонлаймиз. Ишқилиб байрамларимиз давом этаверсин. Яхши қўнлар, яъни чақалоқли оилалар тўйхоналар қўнаяверсин. Ана шунда биз — ЗАГС ҳодимларига ҳам ширин ташвишлар қўлади. Менинг тилагим эса ана шундай айёмлар шарофати билан жаҳл отига миниб, ажралиш ниятида юрган эр-хотинлар кўнглига Оллоҳ сабр қаноат берсин... Тилардимки,

«Адл ила олам юзин обод қил, Ҳақ ила олам элини шод қил».

Маммура РЎЗИЕВА

суҳбатлашди.

Қадим ўтган замонда бир донишманд бўлган экан. Унинг Фозил исмли ёлғиз ўғли бор экан. Донишманд ўлими олдидан ўғлини ёнига чақириб олиб, кўп насихат қилибди, кейин ушбу шеърни ўқибди:

Яхши бўлса йўлдошинг,
Жонинг роҳатда бўлар.

ИБРАТНОМА

ЯХШИ БИЛАН ЁМОН

Ёмон бўлса йўлдошинг,
Кўзларинг ёшга тўлар.

У пайтларда Фозил ёш экан. Отасининг насихатларини ҳам, шеърнинг маъносини ҳам тушунамбди. Умр эса шамол каби тез ўтаверибди. Фозилнинг ҳаёт кечириши қийинлашибди. Бунини ўйлаган Фозил: «Бу юришим бўлмас, шаҳарга бориб, ҳар кимнинг хизматини қилиб, озиғна пул ишлаб келай», деб озик-овқатлар олиб йўлга чиқибди. Йўлда кетиб бораётса, бир одам учрабди.

— Болам, қаерга кетаяпсан? — деб сўрабди йўловчи.

— Шаҳарга кетаяпман, ота у ерда иш қидириб, озорқ пул ишлаб қайтмоқчиман, — дебди Фозил.

— Баракалла! Мен ҳам шаҳарга кетаяпман. Иккаламиз йўлдош бўларканмиз-да! — дебди ҳалиги киши. Улар узоқ йўл юриб чарчашибди. Кўн кеч бўлибди. Иккаласи бир ерга ўтириб овқатланмоқчи бўлишибди. У киши дебди: Аввал менинг овқатимни еб тугатайлик. Сенидаги овқатларни

кейин ермиз. Нега десанг мен кекса одамман, узоқ йўлга тугун кўтариб бора олмайман.

— Фозил у кишининг айтганларига қўнибди. Бу йўловчи кенг феъл, саҳий одам экан. Фозилнинг иши юришиб, уйига кўп пул ва совға-саломлар билан қайтибди. Шаҳардан келтирган пуллари тугагач, иккинчи марта йўлга чиқибди. Бу сафарда ҳам унга бир йўловчи учрабди. Иккаласи йўл қилиб кетаверишибди. Кечга яқин бир ерга келиб, овқатланишга ўтирибдилар.

— Болам, биринчи сенинг овқатингни еб тугатайлик. Менинг овқатимни кейин ермиз, — дебди йўловчи. Фозил унинг гапига кирибди. Овқатни ўртага қўйиб ебдилар. Қоринлари тўқ уқлашибди. Эрталаб йўлга чиқибдилар. Бир неча кун йўл юришгач, Фозилнинг овқати тугабди. Ҳалиги йўловчи одам:

— Болам, йўл жуда олис. Сен ёш илгитсан, йўл бўйи одамлардан садақа сўраб, шовмасдан кетаверсан. Менинг шовилинч ишим бор эди. Тўғрига юриб кетмасам бўлмайди. Агар менинг овқатимни есак, иккаламизга етмайди. Ўз кунингни ўзинг кўр, деб Фозилни йўлда қолдириб кетибди. У кўнгли тор, ҳасис одам экан. Фозил йўл бўйи кўп азоб кўрибди. У кўп заҳмат чекиб ўлдим-қолдим, дегандача шаҳарга етиб келибди. Фозил ёш ичига кирса, эл бўлиб кетадиган, зийрак, ақли йилғи бўлгани учун тезда иш топибди. Бир кунги шаҳар ичиди айланиб юрса, йўлда уни ташлаб кетган бахил, кўнгли тор одамни учратибди. У озиб-тўзиб кетган, ҳар уйга кириб ҳайр сўраб юрган экан.

У киши дебди:

— Болам, усти-бошинг янги, рангинг яхши. Сен бунга қандай эришдинг?

— Ўзимнинг пок қабим ва ҳалол меҳнатим билан, — дебди Фозил.

У киши ушунгидан тосқари қараб олибди.

Баҳриддин ТУРҲУНОВ тайёрлаган.

Ажойиботлар

ҚАЛАМПАР

Қаламлар қўлдан бери маълум бўлиб, уларнинг эски намуналари бугунгиларидан анча фарқ қилади.

XVI асргача қалай, кўроғошин ва қумушларни чўп шаклига келтириб, уч қўлқираштиралиб алоҳида тахтачаларга ёзилган.

1560 йилда биринчи графит қалам Англияда тайёрланган. 1842 йилга келиб Россияда биринчи қалам фабрикаси ташкил этилган ва қалам чиқарила бошлаган.

Бутун дунё бўйича шу кечакундада йилга бир миллиард донадан ортиқ қалам чиқарилади. Уларнинг катта-кичиклиги 60 миллиметрдан 2 сантиметргача боради. Иштиёк билан ёзиш учун уларни турли попук, маржон, кўнжирқочлар билан ҳам безатадилар.

ТУШАКДА
ҚИМИРЛАМАЙ

Нью-Йорк штатидаги Ўзбекистон шахри фўкареси 24 яшар Майкл Эдильман бир жойда — тўшақда қимирламай яшаб келмоқда. Уни уйдан чиқариш қийин бўлмоқда. Гап шундаки, оғирлиги 363 килограмм бўлган Майкл ўрнидан қўзғала олмади. Яқинда у турадиган уйни тўла таъмирлаш керак бўлиб қолди. Бирок шифокорлар Майкни ўта эҳтиёткорлик билан қўзғатиш лозимлиги ҳақида огоҳлантиришди. Алл қоринбойнинг адвокати хабар беришича, шахар ҳукуматига махсус автокран ёрдамида Майкни ўрнидан қўзғатмасдан тўшақ билан бирга юк машинасига олишни тақлиф қилишган. Сабаби яқинда эҳтиётсизлик билан тўшақидан қулаб тушган Майкни ўрнига қайта ётқизиш учун махсус автокран қарилган эди.

КИЧКИНА
ДЕМАНГ

Швейцарияни кўз қўриб қулоқ эшитмаган рекордлар давлати, дейишди. Яқинда бу мамлакатда кўёш батареяларида ишлайдиган тезкор машина иxtири қилинди. У тезлиги жиҳатидан рекорд қўрсаткичга эга (соатига 82,6 километр). Дунёдаги энг катта қалам ҳам Швейцарияда. У Монте-ре шахри биноларидан бирида жойлашган бўлиб, реклама учун хизмат қилади. Қаламнинг узунлиги 13,8 метр, айланаси эса 2,6 метр. Оғирлиги 805 килограмм.

Швейцариянинг Тун қилад 472 та кичкина кема ёнма-ён қўйилиб, «Тунерзев» сўзи ҳосил қилинди. Бу «сўзнинг узунлиги 780; эни 120 метр бўлиб, уни фақат самолётдангина ўқиш мумкин.

ТОЗАЛИКНИНГ
БАҲОСИ

Болтиқбўйи давлатларига бориб келган кишилар у ерда тозалик ва озодалликка жуда катта эътибор берилиши ҳақида кўп гапирадилар. Бунга улар қандай эришадилар, деган савол эса кўпчиликни қизиқтиради. Сабаби битта, у ҳам бўлса қатъий чоралар қўлланилади. Биргина Латвиянинг Вентпилл шаҳридаги аҳолига кўз югуртиралик. Бу порт шаҳрининг кечик маън қилинган жойида тамаки тутатиб қўйдингми, бас, дарҳол 50 лат жарима тўлайсан (лат доллардан икки баравар қиммат бўлиб, мамлакатдаги ўртача пенсия 30 латга тенгдир). Сигарета қолдиргани кўринган ерга ташлаб кетувчилар, pista қақиб, пўчоғини йўлакка ташловчилар, белгиланмаган жойда машинасини ювувчилар, кечаси соат 23 дан эрталаб 6 гача ўз уйида магнитофонни баланд овоз билан «сайратувчилар»ни ҳам худди шундай жарима қутади. Қўчада, шунингдек, жамоат жойларида туфлаш, ювилган кийимларни балконида олиб қўйиш, йўл бўйидаги майсалар устида юриш 10 лат билан жазоланади.

Матлуба КАРИМОВА тайёрлади.

Юнусобод туман ички ишлар бошқармаси бошлиғи тезкор гуруҳ хизматчиси Х. Толиповни ҳузурига чақирди.

— Ута муҳим топшириқ бор. Шунинг сенинг зимманга юкломқиман. Анча тажрибали ва истеъодли ходимсан. Бу вазифани уудалаш қўлингдан келади.

— Ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан. Қанақа хизмат экан у?

— Шахримизга чет элдан 20 килограмм микдориди қора дори олиб келингани ҳақида маълумот бор. Лекин бу нарсаси ким томонидан келтирилганлиги, ҳозир у қарерда сақланаётганини жумбоқ. Шу жинойтни очиш сенга топширилади.

Кўп ўтмай «Тошкент» меҳмонхонаси олдида татар миллатига мансуб Холлис исмли йигит пайдо бўлди. У ҳамма билан бирдек ҳушқақнак, дилкаш бўлиб, таниш ва нотанишлар билан улфатчилик қилар, кўпинча хотамтойлик қилиб хизмат ҳақини ўзи тўларди. Юзта-юзта устида бўладиган қизгин суҳбатларда унинг кўнгли баъзан бир чаким наша тўсаб қоларди.

— Эҳ, қани энди ўша савилдан микирлаб тортсан. Йигитлар мабодо шунақасидан топиладими? Аммо пулига келишсак, ўткиридан кўпроқ бўлса ҳам сотиб олардим.

Шунда бирдан қимдир шунақасидан топилишини шипшитиб қолди. Холлиснинг қўлгои дикайди.

— Ким, танишсак бўладими? — мастикча олди ўзини.

— Эртага шу ерда.

Учрашув соати белгиланди. Шу тариқа Холлис Бурхон Мирзаев билан танишди. Мирзаев анча эҳтиёткор чиқиб қолди. «Сувни кўрмай этик ечмади». Уч-тўрт бор дўстона учрашув, очиги «синовдан сўнг» ёрилди.

— Сиз учун топиб беришим мумкин. Аммо айтиб қўяй, сир шу ерда қолади.

— Э, албатта, бунисини тушунаман. Россияга олиб кетмоқчи эдим, агар иложи бўлса кўпроқ керак менга.

— Бироз қимматроқда.

— Қани олдин «молни» кўрайликчи.

— Эртага кечки пайт бизникида бир пиёла чой устида суҳбатлашамиз.

Қўл олишиб келишилди. Ўша кунни Толипов калаванинг уч топилаганидан бошлиғини хабардор этди.

... «Катта терговчи Жўра Толипов» деган ёзув осилган эшик олди одамлар билан гавжум. Ичкаридаги қизгин суҳбат ҳали-бери тугамайдиган кўринадди. Ишига кеч қолаётганлар безовта. «Юрак ютиб» қия эшикдан хонага мўралаганлар терговчининг «бандман, кутинг» деган зардали овозидан дарҳол бошларини тортиб оладилар.

Бирдан эшик очилиб, ичкаридан иккита башанг кийинган йигитлар чиқиди. Терговчи улар билан хайр-хўшлашиб, тўпланганларга юзланди.

— Мунча кўпсизлар. Бугун ҳаммаларингиз қабул қилолмайман. Йигилишим бор. Қани сиз килинг.

У эндигина йўлакда пайдо бўлган чакмоқ теллаки кишини ичкарига тақлиф этди.

Терговчи ичкари кирди. Эшик тарақлаб ёпилди. Йигилганлар норози қиёфада мингирлай-мингирлай йўлакни тарқ этишди. Афсус ичкарида Жўра Толипов айтганидек муҳим тергов ишлари эмас, балки ўзга режа тузилаётган эди.

— Ҳузурингизга кириш ўлимдан қийин, — қулди теллаки киши.

— Ўзи бўладими? Катта терговчилик ҳазиллақам амал эмас, акиси. Уни-бунни қўй. Тушумдан гапир. Ҳўш, нима бўлди?

— Ҳаммаси рисоладагидек. Катта микдордаги ўлжа қўлга киритилди, — унинг қўлгоига шивирлади ҳамроҳи. — Фақат харидор топиш керак.

— Харидорни ўзларинг топларинг. Сенларни хавф-хатарсиз қўриқлашни эса мен зимманга оламан. Ахир милиция майорига унча-мунча «хит»нинг тиши ўтмас. Лекин айтиб қўяй фойдаси тенг баравар «пап» бўлади.

— Албатта. Ахир сиз бизни паноҳимизсиз. Шунинг учун ҳам сизнинг йўрингиз билан иш юритамиз-да, «Ол, қўлим», деб юборса борми яқинда қўзон ҳам, чўмич ҳам мой бўлиб кетади, ака. Айтгандек, ҳозир ҳам топиш-тутишингиз чакки эмас-ку.

— Эй, қўлдан берганга қўш тўярмиди. Яхшиям сенларга ўхшаган «тадбиркор»

дўстларимиз бор. Қурмак орқасидан сув ичиб турибмиз. Хуллас, кемага тушганнинг жони бир. Ишга киришаверларинг.

Улар қўл олишиб хайрлашилди. Хонада ёлғиз қолган терговчи эшикни орқасидан қулфлаб бир зум тин олгисича келди. Ширин хаёллар узоқларга етаклади. Кўз олдида ўзи турилиб ўсган дарғоқ, ёшлиғи ўтган қишлоқ кўчалари, том орқасидан кенг дала келди. У қўйналиб катта бўлди. Шунинг учун мактабда яхши ўқиди. Кейин Тошкентга келди. Омади чопиб, институтга кириб уни тугатди. Ўйла-ниб, бола-чақали бўлди. Мана ҳозир Ҳамза туманида катта терговчи. Яқинида чор-ночор юрган йигит бугун уйл-жойли. Бир эмас, иккита машинанинг эгаси. «Жигули» ва «Форд Скорпион» машиналари тағида гижинлаган тойчоқдек йўрғалаб турибди. Насиб этса яқин кунларда яна битта машинанинг «дўдаси»дан минади.

... Улар эртасига кечки пайт келишилган жойда учрашилди. Ими-жимиди машинага ўтиришиб, қўйлик томон кетишди. Катта қўчадан шамолдек олиб бораётган «Жигули» қўйлик бозорига етган-йўналишини ўзгартириб, «чагпа бурлиди. Ниҳоят у 1-қўйлик мавзесида жойлашган 15-уй олдига келиб тўхтади.

— Қани меҳмон тушинг, етиб келдик. Шу уйнинг 18-хонадони каминага қарашли.

Улар зиналардан кўтарилиб, хона ичкарига киришди. Шинам безатилган, дастурдон ёзилган стол атрофидан жой олишди.

— Нимадан қўяй, — сўради мезбон бир пиёла чойдан сўнг меҳмондан.

— Ўлдирса ҳам ароқ ўлдирсин.

Биринчисини танишганлари учун. Иккинчисини кадр-қиммат йўқоламлиги, учинчисини бир умрлик қадрдон бўлиб қўйлиқ учун кўтаришди.

— Наҳмиддин, чойни янгила, — бақирди ширақайф мезбон.

Унинг амри билан ичкаридан 22-23 ёшлар чамасидаги йигит чиқди.

— Бу менинг жияним, фармацевтика институтининг тўртинчи курсида ўқийди, — таништирган бўлди уни Бурхон меҳмонга.

— Бўлажак доришунос денг, — қулгига олди меҳмон. Наҳмиддин ичкари киргач мақсадга ўтди. — Энди бўладиганидан келинг.

— Қанча керак бўлса топилади. Лекин килоси 2 минг доллардан кам бўлмайди.

— Қиммат эмасми?

— Бўладигани шу.

— Бўлмаса ҳозир бир килограммча олиб турай. Кеча «шефим» Москвадан келди. Унга кўрсатайчи нима дейди.

— Бемалол. Лекин сирдан...

— Хотиржам бўлинг, бола эмасман. Кейин бу иш билан биринчи шуғулланганим эмас.

— Яхши.

Шу чоқ мезбон ичкаридан чой олиб чиққан Наҳмиддинни ўзи томон имлади.

— Жиян, ҳалиги музлатичдагини олиб чиққин.

Наҳмиддин бир зумда ичкаридан қорғозга чиройлик қилиб ўралган «нарсани» олиб чиқиб, тоғаси олдига қўйди.

Савдо тезда битди. Яна тўрт кундан кейин учрашувга ахдлашиб хайрлашилди.

Бурхон муддатни бекорга узоқ чўзмади. Бу вақтда у ҳамтовоқлари Жўра Толипов ва уқаси Сергели туман Ички ишлар бўлимининг қоровуллик хизмати милиция ходими Ибрагим Мирзаевлар билан учрашиб, аниқ бир қарорга келиб олиш керак эди. Яхшиям шундай қилгани. Харидорнинг Россиялик эканлигини эшитиб, шерикларининг қапалағи учди. Уни сўроққа тутат кетишди.

— Ўзи билан аниқ-таниқ гаплашдингизми?

— Кўриниши шубҳали эмасми?

— Шефи ким экан?

— Дуруст одамми?

— Шефини ҳали кўрганимча йўқ.

— Чакки қилибсиз. Хар қалай синалмаган отнинг яқинига йўлама, деган гап бор. Энди бўлар иш бўпти. Гап бундоқ, Ибрагим сен Бурхон аканг билан (улар ака-ука) айтилган жойга борасан. Шеф билан яхшилаб танишасан. Ишонч ҳосил қилгач, мақсадга ўтасан. Мен ўз машинада сизларни кузатиб юраман. Агар бирор хавф-хатар сезгудек бўлсам дарҳол милиция сифатида «ёрдамга келаман».

Тўшундиларингми?

Гап бир жойга қўйилди. Ибрагим Бурхон акаси билан «Тошкент» меҳмонхонаси олдида келганида таниш йигит Холлис рус миллатига мансуб гавдали киши билан чақнақлашиб турарди. У Бурхонни кўрган заҳоти олдида яқинлашди.

— Ўша турган шефим. У деярли рози.

Лекин бироз қимматроқ деярли.

Холлис Гранаткига «бери кел», ишорасини қилди.

Танишдилар.

— Нарҳини бироз туширинглар. Агар келишсак, пулини икки соатда шу ерга келтириб бераман.

Узоқ тортишувдан сўнг 16,5 килограмм

мга яқин гиванд моддасини 35 минг АҚШ доллариға сотиб олишга келишилди. Харидорлар белгиланган муддатда пулни келтиришди. Энди «доллар»ларни эгаларига топшириб, «мол»ни олиш қолган эди холос.

Улар Мировод туман Космонавтлар кўчаси олдидаги автомашиналарни сақлаш майдончасига келишди. Ўзларича ниманидир режасини тузишди. Ниҳоят Бурхон Мирзаев: «Бўпти, юриглар молни турган жойдан олиб кетасизлар» деди.

Шеф оёғини тираб олди.

— Йўқ, шу ерга олиб келиб бера-сизлар».

Сотувчилар бу тақлифга қўншмади.

— Майли, — деди Холлис вазиятни қўлдан бергиси келмай шефига қараб, — сиз шу ерда тура туринг. Мен булар билан бориб «молни» олиб кела-ман.

Бурхонга қарашли «Жигули» Ибрагим бошқарувида қўйлик томон ўқдек учди. Кўп ўтмай тўртта халтага жойланган «мол» билан машина яна эски жойига келиб тўхтади. Шеф бетоқат бўлиб турган экан. Уларни кўриб юзига қон югурди. Ҳисоб-китоб қилиш учун ҳаммалари «Жигули» кабинасидан жой олишди. Шу тобда бирдан Холлиснинг буйроқ оҳангиди овози янгради.

— Қўлингизни кўтар, қимирламаларинг.

Ака-ука бу гап чинми, ҳазилигини билмай қотиб қолишди. Кейин аниқ хавф-хатари сезиб Бурхон машинадан ўзини олди. Холлис унинг орқасидан қувиб етиб, ёқасидан ушлаб ерга йиқитди. Шу дамда ердан чиққими, омондан тушди рўпарасида «Форд Скорпион» машинаси пайдо бўлди. Ундан шошилиб тушган милиция майори тез-тез шу томон юриб келди. Холлис унга илтижо қилди.

— Илтимоэ ёрдам беринг, мен ички ишлар хизматиданман.

— Нима гап ўзи. Нера бегуноҳ одамни уряпсан, — дўқ қила кетди майор Холлисга. — Қани ҳўжжатиңни кўрсатчи.

Вазиятдан фойдаланган Бурхон ўзини «Форд Скорпион» ичига урди. Ибрагим ҳам Жигулини жойида қолдириб, акаси томон чопди. Милиция майори Холисни силталаб ташлаб машинасига ўтирди. Жинойтларни олиб Шимолий Вокзал томон машинасини елдириб кетди. Аммо улар ҳеч қаёққа қочиб қўтулолмасликлари, кўп ўтмай тумшукларидан илинажақлари, ҳамма нарсаси аёнлигини ҳозирча тушуниб етишмасди. Ўша кунни ярим тунда Жўра Толипов ҳам, Иброҳим Мирзаев ҳам, Наҳмиддин Мирзаев ҳам қўлга олинди. Аммо Бурхон Мирзаев ҳозирча ушлангани йўқ.

Яқинда Тошкент шаҳар суди бу жиноий гуруҳнинг ишини кўриб чиқди. Суд ҳукми билан Жўра Толипов, Ибрагим Мирзаевлар ўзларига тегишли мол-мулкларни мусодара қилинган ҳолда узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. Наҳмиддин Мирзаев ҳам тегишли жазосини олди.

Обиджон ТУРҒУНБОВ,

Тошкент шаҳар суди раиси.

Воҳиджон ШАРИПОВ,

судья.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,

журналист.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН
АЛОҚАСИ ВА
РАДИОПАШТИРИШ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Телефон тармоғи абонентлари, шунингдек ўз фаолиятида яқуний қурилмалар, яъни модём мультителексорлари, адаптерлар, телекслар, факслар, радиоузайтиргичлар, автоматик номераниқлагичлар, ПЭВМ, факс-модём платалари, абонентлик телеграф аппаратураси: идоравий алоқа тизимлари ва телефон станцияларидан фойдаланувчи Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари,хорижий юридик шахс ва фуқаролар

ЭЪТИБОРИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 августда чиққан «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва ривожлантиришнинг 2010 йилгача миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ умумдавлат телефон тармоғига уланувчи барча алоқа воситалари Ўздавлатстатистикнинг тегишли сертификатига эга бўлишлари, радиочастоталар (радиоузайтиргичлар ва радиотелефонлар)дан фойдаланувчи тизимлар эса Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг электромагнит тўлқинларининг ўриндошлик марказида рўйхатдан ўтказилган бўлишлари лозим.

Умумий фойдаланиш тармоғига уланишга рухсат телефон алоқаси тармоқлари томонидан берилади.

Яқуний қурилмалар, алоқа тизимлари ва телефон станциялари умумдавлат тармоғига ўзбошимчилик билан муастакли равишда уланган ҳолларда телефон алоқаси тармоқлари абонент рақамини ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ўзиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Телефон алоқаси тармоқлари манзиллари: Мировод (50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59-АТСлар) — Нукус кўчаси, 87-уй. Телефон: 55-04-25.

Мирзо Улуғбек (60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69-АТСлар) — Хожибоев кўчаси, 45-уй.

Телефон: 62-04-25.

Собир Раҳимов (29, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49-АТСлар) — Ўрозбоев кўчаси, 21-уй.

Телефон: 29-04-25.

Ҳамза (21, 22, 23, 24, 25, 32, 33, 34, 35, 36, 37-АТСлар) — Асомов кўчаси, 2-уй. Телефон: 35-04-25.

Чилонзор (16, 70, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79-АТСлар) — Чилонзор даҳаси, 3-мавзе, 46-уй.

Телефон: 77-04-25.

Янгиобод (90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99-АТСлар) — Қадиев кўчаси, 17-уй. Телефон: 97-04-25.

Маълумотлар учун телефон: 54-36-73.

«Ўзбекистон почтаси» концерни шартнома асосида олий маълумотли, алоқа соҳасида иш тажрибаси бўлган, ёши 35 дан ошмаган, инглиз (ёки француз), ўзбек ва рус тилларини биладиган мутахассисни Халқаро бўлим бошлиғи лавозимига (иш хорижий сафарлар тегилан боғлиқ), шунингдек амалий иш тажрибаси бўлган тафтишчи-бухгалтерни ишга тақлиф қилади. Тошкент шаҳрида пропсикаси бўлиши шарт.

Мурожаат учун: Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй (Олой бозори ёнида).

тел: 34-89-41, 33-57-47.

ТАЖРИБА-ТАЪМИРЛАШ ТЕХНИКА ЗАВОДИ
ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИОНЕРЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

1996 йил якунлари бўйича акционерлар мажлиси 1997 йил 28 март кунин ТТТЗ акционерлик жамияти корхонаси биносиди бўлиб ўтади. Мажлис соат 15.00 да бошланади.

Корхона манзили: Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Жўрабек Остонов кўчаси 12-уй. Барча саволлар бўйича 90-35-79 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ташкилотта «Колхида» русумидаги
катта ҳажмдаги юк кўтариш
қувватига эга машиналарда иш
тажрибаси бўлган
1 классли профессионал ҳайдовчи
КЕРАК

Маълумотлар учун телефон:
33-51-38.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси
ва радиопаштириш ишлаб чиқариш
бирлашмаси.

Тошкент шаҳар адвокатлар уюшмаси раёсати Мировод тумани 1-хўкукий маслаҳатхонаси жамоваси маслаҳатхона мудири Анвар Абдуллаевга уқаси

Ҳомиджон АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади